



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 21 март, № 60 (7562)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар! Мухтарам отахон ва онахонлар, мунис опа-сингиллар, қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг келажаги, ишончи ва таянчи бўлган навқирон ёшлар!

Авваламбор, барчангизни, кўп миллатли бутун халқимизни жонажон Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Хурматли дўстлар! Ҳаммамиз яхши биламиз, **Наврўз тинчлики, сийқасаломатлики қадрлаб, асраб-авайлаб яшашга даъват этади.**

**Тинчлик ва соғлиқни асрасак, қолган нарсаларга албатта эришамиз.** Лекин ҳозирги глобал дунёда бу жуда мураккаб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

“Йил йилга ўхшамайди”, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. Ҳаёт бор экан, синов бор, қийинчилик бор.

Бу ҳақиқатни шу кунларда янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Бугун коронавирус инфекцияси деган жиддий бир хавфга дуч келдик. Давлатимиз,

ҳукуватимиз бу хатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Ўзгал диёримизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз янада жипс-лашиб, ҳар томонлама тартиб-интизомни сақлаган ҳолда, юксак онглилик ва масъулият кўрсатиб, мўътабар кексаларимизнинг дуои фотиҳалари билан бу синовдан эсон-омон ўтамиз, деб ишонаман.

Вужудга келган мураккаб шароитни ҳисобга олиб, бу йилги Наврўз байрамидо оммавий тадбирлар ўтказишни тўхтатдик.

Фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тўғри тушуниб, кўрилатган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун халқимизга яна бир бор раҳмат айтаман.

Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортада қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оила-

вий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадаммоқда. Худуд ва минтақаларимизда **“Дарахт экиб, бог яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз”**, деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз қутлуғ келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ниёт қиламиз.

Узоқ-яқиндаги мамлакатлар халқларини, Ўзбекистоннинг барча хорижий дўст ва ҳамкорларини шарқона янги йил — Наврўз айёми билан қутлаб, уларга самимий истакларимизни изҳор этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Илоҳим, дилимиздаги барча олижаноб орзу-интилишларимиз рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ — ЭЛБОШИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 март куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида икки мамлакат етакчилари бир-бирларини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларини баҳор, яшариш ва янгилашни байрами — Наврўз билан самимий қутладилар.

Ушбу айём азалдан ўзаро ишонч, яхши кўшничлик ва шериклик ришталари, муштарак тарих, маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқларимиз маънавий-маданий яқинлигининг ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, унинг барқарор ижтимоий-иқти-

содий тараққиётга ҳамда кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги суръатига салбий таъсирини қайтариш бў-

расида кўрилатган қатъий чора-тадбирлар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Хукуматлар даражасида саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва яқиндан ҳамкорлиқни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА.

## Ўзтироф ХАЛҚАРО САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШГАН КАТТА ҲИССА

БМТ Бош қотиби юртимизни янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги билан табриклади.



«Халқ сўзи».

### КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

**дунёда**

2020 йил 20 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **267 375** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **90 660** нафар, вафот этганлар сони — **11 196** нафар.

**Ўзбекистонда**

2020 йил 20 март соат 22.30 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **33** нафар, вафот этганлар йўқ, беморларнинг аҳоли қониқарли ҳолатда.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Наврўз айёми муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Тинчлик ва аҳиллик рамзи бўлмиш Наврўз дўст халқларимизга эзгулик ва қут-баракат келтирсин.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлама йўналишларда бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустақкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,  
**Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,**  
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович, қадрли қардошим! Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табриқларимни йўллашга ҳамда фаровонлик ва раванқ тилашга ижозат бергайсиз.

Тинчлик, яхши кўшничлик, бирдамлик ва табиат билан уйғунликни ифода этувчи Наврўз байрами янги кун, янги ҳаёт элчисидир. Бутун инсоният бой маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган бу қутлуғ айём улуг инсонийлик тамойилларини ўзида мужассам этиб, халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини мустақамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ажойиб байрам Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат, шодлик ва янги зафарлар олиб келсин!

Чуқур ҳурмат ила,  
**Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,**  
Туркменистон Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Сиз ва бутун Ўзбекистон халқини файзли Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман.

Инсониятни эзгуликка, фаровонлик ва бунёдкорликка даъват этиш Наврўзга хос ажойиб хусусиятдир. Туркий олам учун ягона бўлган ушбу қутлуғ айём мамлакатларимиз қардошлигини янада мустақамлаб, қувонч ва баракат олиб келсин.

Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мустақкам дўстлик ва яхши кўшничликка асосланган Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги халқларимиз фаровонлиги йўлида жадал ривожланиб бораверади.

Ушбу айём кунларида, мухтарам Шавкат Мирмонович, мамлакатингиз ёрқин келажагига қаратилган олижаноб ташаббус ва саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига фаровонлик ва раванқ тилайман.

Хурмат билан,  
**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**  
Қозоғистон Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Сизни ва биродар Ўзбекистон аҳлини халқаро Наврўз байрами билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилақларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Наврўз байрами уни нишонлайдиган халқларнинг қадимий ва умумий маданий мероси сифатида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик ришталарини мустақамлаб, биродар элларимизнинг янада яқин бўлишига хизмат қилмоқда.

Аминманки, бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлаш йўлида биргаликда ҳаракат қиламиз.

Ушбу қутлуғ айём кунларида Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши ва раванқ топиши йўлида давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,  
**Эмомали РАҲМОН,**  
Тожикистон Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Қирғизистон халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон аҳлини Наврўз билан муборакбод этаман! Марказий Осиё халқлари қадим-қадимдан ушбу айёмни алоҳида эъзозлаган. Меҳнатсеварлик, аҳиллик ва

ҳамжиҳатлик рамзи бўлмиш Наврўз элларимиз умид ва эзгу ниётлар билан кутиб олмоқда.

Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничликка асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари бундан буён ҳам икки давлат манфаатлари йўлида изчил ривожланиб боришига қатъий ишонаман.

Сизга, мухтарам Шавкат Мирмонович, мустақкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва раванқ тилайман.

Хурмат билан,  
**Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,**  
Қирғизистон Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Мирмонович! Озарбайжон халқи номидан ва ўз номидан Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига Наврўз байрами муносабати билан энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз. Янгилашни ва табиат уйғониши рамзи бўлмиш ушбу файзли байрам одамларни яхшилик қилишга чақиради.

Аминманки, ушбу баҳорий айём Наврўз анъаналарини эъзозловчи халқларимизга яхши кайфият, қувонч ва қут-баракат келтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақкам соғлиқ, фаолиятингизда зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Хурмат ила,  
**Илҳом АЛИЕВ,**  
Озарбайжон Республикаси Президенти

Шунингдек,  
Эрон Ислом Республикаси Президенти  
**Ҳасан Рухоний**

Фаластин Президенти **Маҳмуд Аббос**  
Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **шайх Сайф бин Зоид Ол Нахаён** ва бошқалар табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

# КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИНИ БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ЭТАМИЗ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ХОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БУГУНГИ КУНДАГИ МУАММОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.**

## АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИМИГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар ва парламент юқори палатасида доимий асосда фаолият юритувчи сенаторлар иштирокида йиғилиш ўтказилди.

### ■ Парламент ҳаёти

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Қўчқоров бошчилигидаги Ҳукумат аъзолари ва мутаассадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ж. Қўчқоров сўзга чиқиб, Президентимиз раислигида 19 март кунги коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши ва унда белгиланган вазифаларнинг, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини депутатлар ва сенаторларга етказди.

Парламент аъзолари коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш юзасидан жойларда олиб борилаётган ўрнатилган давомид аҳоли, хусусан, тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган барча масалаларнинг ечимини мана шу Фармонда ўз ифодасини топганини, мазкур ҳужжат имзоланишидан аввал давлатимиз раҳбарининг халққа мурожаат қилгани юртдошларимизга жуда катта куч бағишлаганини, маддад бўлганини алоҳида таъкидлади.

## Хавотирга ўрин йўқлигини барча ҳис қиляпти

Шухрат АБДУРАҲМОНОВ, Андижон вилояти ҳокими:

— Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилаётган селектор йиғилишларида, асосан, мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш масалалари асосий муҳим масалага айланди. Ҳозирги кунда вилоятимизда бозорларда нарх-навоининг асосий охиби кетишининг олдини олиш, иқтисодий тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Соғлиқни сақлаш, солиқ, ички ишлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда коронавирус инфекцияси

тарқалишининг олдини олиш чоралари кўриляпти. Одамларимиз хавотирга ўрин йўқлигини, вирусдан тезроқ қутулиш учун янада жипслашимиз зарурлигини яхши ҳис этишмоқда. Ўзимиз ҳам зарур саъй-ҳаракатларни қиляпмиз. Маҳаллаларга катта эътибор қаратдик. Маҳалла тинч бўлса, одамлар ҳам муаммолар билан идорама-идора чопмайди. Маҳалланинг обрўси юқори бўлса, ҳамма шароитлари яратиб берилса, овод бўлса, улар тинч ва ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Мақсадимиз — келгусида маҳалла тизимини ривожлантириш борасида Андижон тажрибасини яратиши.

## Инсофли тадбиркорларни намуна сифатида кўрсатдик

Эркинжон ТУРДИМОВ, Самарқанд вилояти ҳокими:

— Бугун кун тартибдаги энг муҳим бўлиб турган шубҳасиз масала бўйича Самарқандда зарур чора-тадбирлар кўрилади, бозорларда нарх-наво сунъий равишда оширилмаслиги учун бир қатор тушунтириш ишлари олиб борилади.

Нафақат оммавий ахборот воситаларида, балки ижтимоий тармоқларда ҳам қўллаб-қувватлаш қилдик. Нархларни тушириб сотаётган, бепул тарқатаётган тадбиркорларни ишга қўйишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ийрик-йирик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар келгусида телевидение ва ижтимоий тармоқ-

лар орқали ёритилади. Давлат-хусусий шериклик асосида, ҳомийлар ёрдамида ёки бошқа бир усулда барча маҳалла бинолари таъмирлаб берилди.

Ёшлар, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи, тоғ ва тоғолди ҳудудларини боғларга айлантириш режалаштирилган. Уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди. Бугунгача энг аввал шароити оғир маҳаллалар танлаб олиниб, уларда 1662 та муаммо ва муножарат ўрганилди. Манзилли дастур қилиб тасдиқланди. 1250 нафар аёл иш билан таъминланди. Буларнинг барчаси аҳолиимиз фаровонлиги учун.

Бугунги кунда коронавирус инфекцияси (COVID-19) кенг тарқалиши инсониятни шошириб қўйди. Айни чоғда унга қарши тезкор чора-тадбирлар кўришмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам унинг олдини олишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Шу йил 19 март кунги Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини

юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Шу куннинг ўзига давлатимиз раҳбари томонидан "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Булардан кўзда тутилган асосий мақсад ушбу инфекция тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроекономик

барқарорлиқни, иқтисодий тармоқларини ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишдан иборатдир.

Шулар хусусида Ҳукумат вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари ўз фикрларини қуйидагича баён этишди.

## Жамғарма маблағлари аниқ мақсадларга йўналтирилади

Жамшид ҚўЧҚОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари:

— Бу Фармон айни вақтида қабул қилинди. Чунки жаҳон иқтисодий ҳаётининг бугунги аҳоли ўрта мураккаб. Юзага келган иқтисодий ва молиявий сўбатнинг ўзига хос томони шундаки, агар уни 2008 йилдаги глобал инқироз билан солиштирадиган бўлсак, асосий хом ашёларга бўлган нарх-навоининг ва жаҳон индексларининг пасайиши билан пандемиянинг бирга келишидир. Адамасам, жаҳон иқтисодий тарихида бундай ҳолат биринчи марта кузатишмоқда. Вазият шунчалик мураккаб, кечяки ҳолат бугунги кунга тўғри келмаяпти.

Ҳозир халқро бозорда нефть нархи пасайган. Олтин нархи барқарор эмас. Асосий биржа индекслари ҳам бир кунда 11-12 фоизгача тушаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Энди бевосита Ўзбекистон ҳақида тўхта-ладиган бўлсак, асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари қадрсизланиши ва тўлов қобилияти пасайиши валюта тушумини 500 миллион долларга камайтири-

ши мумкин. Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2 миллиард долларлик хорижий инвестиция лойиҳалари кечикиши мумкин. Яъни ички маҳсулот 1,8 фоизгача, экспорт ҳажми эса 1,1 миллиард долларга қисқариши прогноз қилинмоқда.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, инқироз ҳолатларининг аҳоли турмуш тарзига кескин салбий таъсирини юмшатиш, иқтисодий таъсирини ўқитишлар учун қоллаш учун захира яратиш, барча захираларни сафарбар этиш, натижада мамлакатимизда макроекономик барқарорлиқни таъминлаш Ҳукуматнинг олдида қўйилган асосий вазифа ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Молия вазирлиги ҳузурида 10 триллион сўмлик Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий маблағи ташқи кредитлар ҳисобланади. Шу боис бугунги кунда Молия вазирлиги томонидан Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар

билан музокаралар бошлаб юборилган.

Ҳўш, 10 триллион сўм қайси мақсадларга сарфланади? У, аввало, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва иқтисодий тармоқларини барқарор фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилади.

Дастлабки, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши тадбирлар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, бу дори-дармонлар билан таъминлашга, ҳаттоки, қурилиш ишларига сарф этилади. Жумладан, биз ҳозир зудлик билан учта янги шифохона қуриб, уни бир ярим ойда битказишни режа қиляпмиз. Бу балки ноодати ҳолдир. Лекин ҳозир коронавирус қаёққа қараб кетишини ҳеч ким айтмайди. Шунинг учун эҳтиёт чорасини кўришимиз керак. Қолаверса, бундай клиникалар кейинчалик барқарор ҳолатда ҳам керак бўлади, деб ўйлаймиз.

Иккинчи йўналиш — тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлашда Тад-

## Оилами ва яқинларимизни «кўринмас душман» хуружидан асраш, аввало, ўз қўлимизда

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Бугун инсоният синовли кунларни бошдан кечирмоқда. Жаҳон бўйича коронавирус инфекцияси тарқалиши ҳисобига қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни муайян даражада чеклашга, йирик корхоналар фаолиятини тўқатишга тўғри келяпти. Афсуски, ана шу бало бизни ҳам четлаб ўтмайди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда мазкур вирус тарқалишининг олдини олиш ва юртдошларимизни ундан асрашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида 19 март кунги коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видео-

селектор йиғилиши ва шу кунги Президентимиз томонидан имзоланган "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда шу масаладаги долзарб вазифалар илгари сурилди. Бу ҳар бир иқтисодий муаммога бўлишига ҳам қўлни қўлга бериб, умумхавфга қарши биргаликда курашишга ундамоқда.

Фикр фикрни тўғдиради, деганларидек, видеоселектор йиғилиши ва Фармонда билдирилган фикрлар асосида мавжуд вазият билан боғлиқ баъзи мулоҳазаларни, аниқ-роғи, тақлифларни билдириш мумкин. Бундай юқумли

инфекциядан сақланишнинг самарали йўли, бу шубҳасиз, қўллаб-қувватлаш ҳамдонидаги давраларни камайтириш, илож бўлса, бундай йиғинларни тўқатиш туришидан иборатдир. Шу мақсадда турли диний маросимлар, шу жумладан, жамоат намозлари масжидда эмас, уйларда ўқилаётгани муҳим чоралардан бири бўлди. Аммо тўйлар ҳамон давом этаётгани барчамизни ташвишга солиши табиийдир. Ахир ўзбек тўйида қанча одам йиғилмайди, дейсиз. Худо кўрсатмасин, инфекция билан зарарланган битта одамнинг шу тўйда қатнашиши қанчадан-қанча қилиниши ушбу ҳасталикка чалинишига олиб келишини тушуниш учун катта салоҳият шарт эмас.

Шулардан келиб чиқиб, юртдошларимиздан коронавирус инфекцияси билан боғлиқ мавжуд вазият ўнганмағуни-

ча, тўй ва бошқа маросимларни орқага суриб туришларини илтимос қилардик. Бу билан нафақат ўзингиз, балки оила аъзоларингиз ва яна қўллаб-қувватлаш саломатлигини асраган бўласиз. "Кунини аниқ пандемия билан, оққа суришининг ҳеч иложи йўқ", дейдиганлар бўлса, улардан тўйга тақлиф этиладиганларнинг рўйхатини яна бир марта кўздан кечириб чиқишларини ва иштирокчилар сонини минимум даражага келтиришларини сўрадик.

Бу билан ортинча ваҳима кўтармоқчи эмасмиз, аксинча, мавжуд вазият минг марта ўйлаб, бир бор кесини таллаб эتماқда. Зеро, биргаликда ҳаракат қилсак, бу балони бартараф этамиз, энг муҳими, ўзимизни, оилами ва яқинларимизни "кўринмас душман" хуружидан сақлаб қоламиз.



## Фаолиятимизни замон талаблари асосида олиб боришимиз зарур

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси:

— Президентимиз Фармонда Ҳукумат олдида бир-бири билан узвий боғланган комплекс чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширишга қўл қўйди. Бир вақтнинг ўзига ҳам коронавирус тарқалиши, унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар қайд этилган бўлса, шу билан боғлиқ равишда мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳозирги шароитда уларнинг даромад манбаларини, тадбиркорлик фаолигини сақлаб қолишга қаратилган бир қатор вазифа-

лар тизимли равишда бериляпти. Айни пайтда қўллаб-қувватлаш пандемия оқибатлари билан курашаётган бир шароитда бу масалаларнинг ечимини сифатида, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур Фармоннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлди, десак, аниқ ҳақиқат.

Шу ўринда яна бир жиҳатни кайд этиш жоиз. Ҳужжатда жойларда иқтисодий тизимда мавжуд захираларни топиш, уларни ишга солиш вазифаси алоҳида белгиланган. Бу — жуда муҳим. Бу нафақат ўша маблағларни топиб жойига

да ижобий силжишларни кўрпайми. Бизнинг олдимизда эса ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, ҳолатни тўғри баҳолаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифаси турибди. Албатта, бунда депутатлар корпуси, парламентнинг ўрни катта. Биз ҳам фаолиятимизни замон талаблари асосида ташкил этишимиз зарур.

Фракцияларда, қўмиталарда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ишни ташкил қилдик. Энди жойларга борганда ҳудудий комиссияларга ёрдам бериб, ишни бугунги кун талаби бўйича ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқ.

## Синовли дамларда вазиятга тўғри баҳо беришимиз муҳим

Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тиклиниш" демократик партияси фракцияси раҳбари:

— Айни пайтда дунёда юзага келган пандемик ҳолат халқимизни, ҳақиқатан ҳам, ташвишга солгани рост. Президентимиз раҳбарлигида кўрилатган чора-тадбирлар натижада бу хавотир, бу нотинчликни жуда киска муддатларда бартараф этишга эришилди, десак, янглишмаган бўламиз. Барча депутатлар ушбу пандемия эълон қилинган биринчи кундан бошлаб, ўз округларида бўлиб, тиббий ташкилотлари, бирламчи тиббий муассасаларида коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича қандай шароитлар яратилгани билан танишилди. Минг афсуски, ўрганишларимиз, таҳлилларимиз бу йўналишда айрим камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, баъзи тиббий муассасаларида зарур тиббий анжомларнинг етишмаслиги, тиббий ходимлар моддий таъминоти масалалари бугунги кунда яхши даражада эмаслиги бизни, албатта, ташвишга солаётгани.

Президентимиз Фармонда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббий ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш, юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ҳамда бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш кўзда тутилаётгани эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбари Фармони айни вақтида қабул қилинган бўлиб, унинг ҳар бир банди бугунги кундаги муаммоларнинг олдини олишда муҳим асос бўлади. Ушбу ҳужжат ижросини бажаришда Ҳукумат, парламент, барча ҳокимият органлари, халқимиз билан биргаликда ҳаракат қилишимиз керак. Синовли дамларда ваҳимага тушмасдан, вазиятга тўғри баҳо берсак, албатта, коронавирусни енгиб чиқамиз.

## Инқирозга қарши чора

Эркин ГАДОЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Жаҳонда коронавирус инфекцияси хавфи кучайиб боргани сайин унинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам тобора изчиллик касб этмоқда. Табиийки, бу хатар жаҳон, жумладан, мамлакатимиз иқтисодийга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши қутулмоқда. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз раҳбарлигида аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Кунки кечяки видеоселектор йиғилиши ҳамда Фармонни бунга яққол мисол сифатида келтириш мумкин.

Мазкур ҳужжатда белгиланганидек, Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг тузилаётгани ана шундай чоралардан биридир. Бу маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳам аниқ белгиланган. Яъни ана шу сармога ҳисобига қуйидаги тадбирлар молиялаштирилади.

Аввало, шифохона ва бошқа муассасаларни коронавирусдан даволашда асқатадиган дори воситалари, тиббий буюмлари, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш учун маълум миқдорда маблағ йўналтирилади. Зеро, буларсиз инфекциянинг олдини олишда яхши натижага эришмоғимиз мушкул.

Шунингдек, инфекциядан касалланганлар ҳамда улар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш, мазкур ишга йўналтирилган тиббий ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун ҳам мазкур жамғармандан маблағлар сарфланади.

Умуман олганда, жамғарманинг ташкил этилишини мавжуд вазиятда энг тўғри чора бўлди, десак, муволажа эмас. Эндиликда барча соҳа вакиллари қаторида биз, сенаторлар ҳам Фармонда кўзда тутилган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш йўлида қўлга бериб ишласак, албатта, бу синовли кунлардан ёруғ юз билан ўтиб оламиз.

«Халқ сўзи».

Барҳаёт сатрлар

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

# Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Мен нечун севаман Ўзбекистонни  
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.  
Нечун Ватан дея еру осмонни,  
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида, дунёда танҳо нима бор,  
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?  
Ёки кўёшими севгимга сабаб?  
Ахир кўёшли-ку бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?  
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,  
Нечун ардоқларкан тупроғини мен  
Ўламан: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан»

Аслида тупроқни одил табиат  
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.  
Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат  
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,  
Сабабини айтгин десалар менга,  
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она халқимга.

Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар,  
Майли, гулласин,  
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!



22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни

## «ҲАР ДОИМГИДАН-ДА ҲУШЁР, СЕРГАК ВА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШЛАЙМИЗ»

Юртбошимиз ташаббуси билан “22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни” деб белгиланди. Бунда ҳам ўзига хос катта маъно ва мақсад мужассам. Зеро, Наврўзи оламга улашиб кетадиган ушбу касб байрами боис миллий урф-одат ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда халқимиз ҳамжихатлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этади. Тўғри, шу кунларда бутун инсониятни хавотирга солиб турган коронавирус туйғули бу айём кенг нишонланмаса-да, соҳа ходимлари фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, “Ҳар доимгидан-да ҳушёр, сергак ва масъулият билан ишлаймиз”, дейишмоқда улар.

**Муқаддасхон ҚУРБОНОВА,**  
Асака тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи:

— Маҳалла тизими ходимлари куни олдида туманимиздаги мавжуд 74 та МФЙда бўлиб, аҳолининг ижтимоий-руҳий ҳолати билан танишдик. Натигада 1234 та кам таъминланган оилга ижтимоий ёрдам кўрсатилди, томорқаларига меваги дарахт кўчатлари экилишига қўмаклашилди. Тумандаги хонадонларда 2906 гектар томорқа майдони мавжуд бўлиб, уларда полиз маҳсулотлари етиштириш орқали даромад топиш муҳимлигига катта эътибор қаратдик. Қолаверса, 162 та хона-

дон таъмирланди, 100 нафар ёшга 30 гектар ер майдони ажратилишига эришдик.

Шу кунгача амалга оширилган ҳар бир ишимизнинг ўзи бизга катта мамнуният бағишлайди. Бойси ҳар бир яхши амалдан, энг аввало, маҳалла аҳли манфаатдор! Маҳалладошлар миннатдорлигига сабаб бўлган ҳар бир кун эса биз учун катта байрамдир.

**Мамлакат АБДУРАСУЛОВА,**  
Ширин шаҳридаги Амир Темур номидagi маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бу кун биз учун қўшалоқ байрам-

га айланди. Нега десангиз, яқинда янги бинода иш бошладик. Кўчиб келишдан аввал идорамиз ҳовлисига атиргуллар, гулу райхонлар, дарахт кўчатлари эдик. Айни чоғда ишимизда ҳам катта янгиликлар қилинмоқда. Дейлик, аввал раис сифатида бугун мана бу масалалар билан шуғулланаман, деб кундалик ишимизни режалаштиролмас эдик. Чунки аксарият тезкор ва дабдурустдан бериладиган, ваколатимиздан ташқари топшириқлар, албатта, иштирок этишимиз шарт қилиб қўйилган, узоқ чўзиладиган йиғилишлар кўп эди. Бу эса асосий фаолиятимиздан узоқлаштириб қўярди. Энди вазият ўзгарди. Кунлик ишим идорада эмас, ҳали унга етиб келгунча, кўчаларнинг тозаллигини кўриш, маҳалладошларим билан ҳол-аҳвол сўраб ўтиш билан бошланади. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш, кайфияти, яшаш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар ижобий самаралар бермоқда.

«Халқ сўзи».

**ИПОТЕКА БАНК**

*Assalom Navro'z*

**«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси**  
барча юртдошларимизни Наврўз тантанаси билан муборакбод этади. Ушбу айём ҳаётингизга қувончли хабарлар, фаровонлик, осойишталик, бахт ва саодат олиб келсин.  
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.  
«Ипотека-банк» ҳамиша Сиз билан!  
**Имқоният яратамиз!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунлик палатаси ва Сенати дewanлари жамоалари меҳнат фахрийси, палаталар дewanларининг собиқ ходими **Риҳсвий ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси жамоаси ассоциация раисининг ўринбосари Холида Шайховага онаси **Хотима ШАЙХОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ASAKA BANK**

*Наврўз*

«Асака» банки жамоаси  
Ўзбекистон халқини яшариш ва янгиланиш айёми —  
Наврўз байрами билан табриклайди!  
Қалбларимизни қувонч,  
эзгулик ҳеч қачон тарк этмасин!

[www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz)

**МАХАМ-ШИРСHIQ**  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

*Ватандошларимизни азалий қадриятларимизнинг кўзгуси бўлган*

**Наврўз**  
айёми билан қутлайди.

*Яшариш ва янгиланиш тинимсиз бўлган ушбу қизғин кун муборак, азиз юртдошлар!*

**ЎЗБЕКИСТОН —**

**МДХда энг бахтли мамлакат,**

**ТОШКЕНТ —**

**аҳолиси энг оптимист шаҳар**

АҚШнинг "Gallup, Inc." таҳлилий ва консалтинг компанияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг топширигига биноан, "Жаҳоннинг бахтиёрлик ҳисоботи — 2020" (World Happiness Report)ни эълон қилди.

**Фахр**

Этиборлиси, бахтли мамлакатлар рейтингда Ўзбекистон олдинги йилги кўрсаткичдан уч поғона кўтарилиб, 153 та мамлакат орасида 38-ўринни эгаллади.

МДХ давлатлари орасида эса юртимиз, мана, бир неча йилдирки 1-ўринни бермай келяпти. Кейинги поғоналардан Қозғистон (50), Тожикистон (71), Россия (73), Қирғизистон (74) жой олди. Туркменистон эса 95-ўринни банд этган.

Рейтингдаги юқори ўринларда Финляндия, Швейцария, Исландия қайд этилган.

Бу йилги ҳисоботнинг фарқли томони, унда ҳар бир мамлакатнинг асосий шаҳарлари аҳолисининг ҳозирги кундаги ҳаётдан қониқишлари ва келажакда ушбу кентда яшаш қанчалик яхши бўлиши ҳақидаги фикрлари ҳам ўрганилган.

Сўровномалар натижаларига кўра, дунёнинг йирик шаҳарлари орасида Тошкент — аҳолиси энг оптимист шаҳар бўлди. Сўровномада қатнашган Ўзбекистон пойтахти аҳолиси келажакда бу ерда яратиладиган шароитлардан умидлари катта эканлигини билдиришган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ушбу рейтинг давлатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, умр кўриш давомийлиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эркинлик ва коррупция даражаси каби кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

«Халқ сўзи».



**Fido-biznes**

*Азиз ватандошлар!*

**«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси сизларни баҳор айёми — Наврўз байрами билан табриклайди!**

*Сизларга тинчлик ва хотиржамлик, соғлиқ ва фаровонлик тилайди.*

**Баҳор — янгилик ва орзулар фасли. Ушбу шуқуқли дамларда барчангизга доимо омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.**



**Uzkimyosanoat**

**«Ўзкимёсаноат»**  
акциядорлик жамияти жамоаси  
халқимизни

**Наврўз**  
байрами билан самимий  
муборакбод этади.

*Сиз азиэларга сизат-саломатлик,  
бахт ва омад,  
тинчлик ҳамда фаровонлик  
тилайди.*



**MIKROKREDITBANK**

**«Микрокредитбанк»**  
акциядорлик тижорат банки  
жамоаси

юртдошларимизни  
баҳор ва гўзаллик байрами —

**Наврўзи олам**  
билан самимий табриклайди!

**Барчангизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ,  
бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,  
Ватанимиз равнақи йўлидаги  
самарали меҳнатларингизда улкан  
муваффақиятлар тилайди!**

**Наврўз айёми муборак бўлсин!**

<p><b>Халқ сўзи</b> <b>Народное слово</b></p>	<p><b>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</b></p> <p>2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 190 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.</p>	<p>Таҳририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.</p> <p>Газетанинг стқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.</p> <p>Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.</p> <p>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.</p>	<p><b>• МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров. Мусахҳих — С. Исломов.</p>
<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.</p> <p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.35 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6</p>	